



Партия пленуми



Ярим йиллик фаолият сарҳисоб қилиниб, келгуси вазифалар белгилаб олинди

“Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг навбатдаги XVII Пленуми бўлиб ўтди

Қайд этиш жоизки, ушбу тadbир 2025 йилнинг ўтган даврида партия фаолиятининг олти ойлик сарҳисоби, эришилган натижалар ва кузатилган айрим камчиликларни атрофлича таҳлил қилиш, шунингдек, келгусидаги янги марраларни аниқ белгилашда муҳим аҳамият касб этди.

Унда партия Сиёсий Кенгаши аъзолари, Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгаш депутатлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Шунингдек, ZOOM платформаси орқали Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоят партия ташкилотлари раислари, фаоллари онлайн тарзда қатнашишди.

Дастлаб, Пленумда “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси

Робохон Махмудова партиянинг 2025 йилнинг биринчи ярмидаги фаолияти юзасидан маъруза қилди.

Маърузада “Ўзбекистон–2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт йили”да амалга оширишга оид давлат дастури”дан келиб чиқадиган устувор вазифалар ижроси ҳамда келгусидаги муҳим чора-тадбирларга эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, ўтган даврдаги фаолият партия Сайловолди дастури ва принципиал ғояларга ҳамоҳанг равишда амалга оширилди. Партия лойиҳаларидан келиб чиқадиган тadbирларнинг қўламини ва мазмунини “Адолат” СДП-нинг жамиятда фаол сиёсий субъект сифатидаги ўрни ва нуфузини изчил мустаҳкамлаб бормоқда.

Хусусан, жорий йил апрель ойида ўтказилган “Коррупцияга қарши курашиш ойлиги” доирасида маҳалла, мактабгача таълим ташкилотлари, мактаб ва олий таълим муассасалари, шунингдек, тиббиёт масканларида 9 262 та маънавий-маърифий тadbир, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилди.



ПАРТИЯ НОМИ СИЁСИЙ МАЙДОНДА

ва ҳар бир фуқаро ҳаётида адолат рамзига айланади

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Робохон Махмудованинг партия Сиёсий Кенгаши XVII Пленумида “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг 2025 йил биринчи ярим йиллик фаолияти юзасидан МАЪРУЗАСИ

Ҳурматли Пленум иштирокчилари!

Сиз билан миллий истиқлолизмнинг 34 йиллик шонли санаси арафасида учрашиб турибмиз. Шу кунларда энг улуғ, энг азиз байрамимизга бағишланган тadbирлар “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ҳолда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, шаҳар-қишлоқларида ўта кўтаринки руҳда, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт даражаси, жаҳон майдонидаги обрў-эътиборига ҳар томонлама муносиб тарзда, юксак савияда ўтказилмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, барчангизни тобора яқинлашиб келаётган улуғ

Истиқлол байрами билан самимий муборакбод этамиз!

Қадри партиядошлар!

Бугунги Пленумда сиз билан партияимизнинг жорий “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили”нинг биринчи ярим йиллигидаги фаолиятини танқидий-таҳлилий кўриб чиқамиз. Ўтган олти ойда амалга оширган ишларимиз, хусусан, Сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифа ва йўналишларимизни қай даражада адо этганимиз, бу жараёнда қандай муваффақиятларга эришганимиз, қайси масалаларда оқсаганимиз, камчиликларга йўл қўйганимиз ҳақида очиқ-ойдин гаплашиб оламиз, де-

ган умиддаман. Энг муҳими, кенг қўламли таҳлиллар-тавсиялар асосида бундан кейинги фаолиятимизни янада жонлантириш, йўл қўйилган хатолардан тегишли хулосалар чиқариб олиш ҳамда дунё сиёсий ҳаётида тобора кўпроқ аҳамият касб этиб бораётган социал-демократия ғояларини халқимиз орасига янада кенгрок ёйиш борасидаги вазифаларимизни аниқлаштириб оламиз, деб ўйлайман. Шунингдек, бугунги йиғилишимизда партияимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг ярим йиллик фаолиятини ҳам сарҳисоб қиламиз.



Муносабат

АДОЛАТЛИ ҚОНУНЛАР ВА ОЧИҚ ИМКОНИАТЛАР — ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН

Мамлакат иқтисодий салоҳиятини ошириш ва халқ фаровонлигини таъминлаш, аввало, тadbиркорлар кучи ва салоҳиятига боғлиқ. Шу жиҳатдан, Президентимизнинг тadbиркорлар билан учрашуви муҳим аҳамият касб этади.

Учрашувда илгари сурилган фикр-мулоҳазалар, вазифалар ва стратегик йўналишларни диққат билан кузатиб. Маълумки, “Адолат” социал-демократик партиясининг устувор ғоялари — инсон манфаатлари ҳимоя қилинадиган, адолат ва тенглик тамойиллари асосланган демократик жамият қуришдан иборат. Тadbиркор юрдошларимиз эса ўз меҳнати, саъй-ҳаракати билан янги қиймат яратади, иш ўринлари ташкил қилади. Бу халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратиш, меҳнат қилиб, даромад топишига, бозорларимиз тўкин бўлишига замин яратади.

Президентимиз учрашув давомида иқти-

Робохон МАХМУДОВА,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Сиёсий Кенгаши раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги партия
фракцияси раҳбари

содий сиёсатнинг марказида тadbиркор турмуш лозимлигини қатъий таъкидлади. Айниқса, “Давлат тadbиркорнинг шериги бўлсин, ортиқча юк эмас” деган фикр бизнинг асосий позициямизга мос келади. Ҳар бир тadbиркор ўзининг меҳнати, инновацион ғояси ва халол фаолияти орқали бозорга чиқиши керак.

Давлатимиз раҳбари кичик бизнес учун қўлай муҳит яратиш, солиқ ва боғжона тизимини соддалаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни йўқотиш, ишбилармонлик муҳитини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш каби янги ташаббусларни илгари сурди.



СИНОВЛАР ВА ЮТУҚЛАРГА БОЙ ЙИЛЛАР

Мактаб таълими тизимини ислоҳ қилиш доирасида 11 йиллик таълим жорий этилди, ўқув дастурлари янгиланди, халқаро мактаб ва университетлар очилди. Ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва ёш педагогларни қўллаб-қувватлаш дастурлари йўлга қўйилди. Олий таълим муассасалари таълим стандартларини мустақил ишлаб чиқиш ҳуқуқига эга бўлди.



БИЗ ҚАНДАЙ ОВҚАТЛАНЯМИЗ?

Шоир япон билан ўзбекни қиёс қилар экан, “биз”ни ортиқча исрофга берилиш, вақтинчалик шон-шараф ортидан чопадиган, бироқ ҳаёт мазмунини асраб қоллолмаётган халқ сифатида талқин қилади. Япон учун эса тўй-ҳаржда исроф, мотамда кўз-бўямачилик — мутлақо ёт ҳолат. У буни кўтара олмайди. Демак, Ўзбекистон халқ шоири “яхши яшаш” мезонини овқат, тўй ёки исрофда эмас, балки тартиб, меъёр, маънавий поклик ва инсоний қадриятларда кўради.

ПАРТИЯ НОМИ СИЁСИЙ МАЙДОНДА

ва ҳар бир фуқаро ҳаётида адолат рамзига айланади

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси рахбари Робохон Махмудованинг партия Сиёсий Кенгаши XVII Пленумида “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг 2025 йил биринчи ярим йиллик фаолияти юзасидан МАЪРУЗАСИ

1 Энди бевосита 2025 йилнинг биринчи ярим йиллигида амалга оширган ишларимизнинг қисқача баёнига тўхталсак.

Партияимизнинг 2025 йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти стратегия ва дастурий ҳужжатларда белгиланган устувор йўналишларга, жумладан, “Тенг имкониятлар ва адолатли жамият сари” Сайловолди дастурида кўзда тутилган вазифалар ихросига қаратилди.

Ҳисобот даврида партиянинг дастурий вазифаларини ҳаётга татбиқ этишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишда, партия электорати ва аҳолининг кенг қатлами билан юзма-юз мулоқотлар ташкил қилиб, уларни қийнаётган, жамият ривожига тўсик бўлаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқишда барча даражадаги депутатлик корпусларининг ҳамкорлиги тизимли йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, партия аъзолари сафини кенгайтириш, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш, кадрлар заҳирасини мустаҳкамлаш, аъзолик бадаллари тушумини тизимли йўлга қўйиш ва тўлиқ таъминлаш, партия фаолларининг сиёсий билимлари ва фаоллигини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Партиянинг ҳудудий Кенгашлари томонидан амалга оширилган фаолият мунтазам равишда мониторинг қилиниб, умумий мувофиқлаштириш ва таҳлил асосида самарадорлик оширилди. Рақобатдош сиёсий партияларнинг фаолияти доимий равишда ўрганилиб, замонавий сиёсий жараёнлар таҳлил қилинди. Жаҳон ва мамлакат сиёсий қийинчидаги муҳим воқеалар партия тузилмаларида мунтазам муҳокама қилиниб, электорат онгини шакллантиришда таъсирли восита сифатида қўлланилди.

Ҳисобот даврида партия аъзолари сони **1 239 143** нафарни ташкил этиб, йил бошига нисбатан аъзолар сони **139 719 нафарга** ўсди. Шундан, **664 988** нафари, яъни **53,7** фоизи аёллар; **484 687 нафари, яъни 39,1** фоизи ёшлардир. Бошланғич партия ташкилотларимиз сони эса **8 814** тага етди. Жорий йилнинг дастлабки 6 ойи мобайнида БПТлар сони **514** тага қўлайди.

Шунингдек, мазкур даврда партиянинг **2** та Пленуми ва **5** та Икrojeия Қўмитаси мажлислари бўлиб ўтди.

Юртимизда коррупциядан холи муҳитни яратиш мақсадида жорий йил 11 март куни Сиёсий Кенгаш Ижroeия Қўмитаси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси қўшма ййигилиши ўтказилди. Ушбу қўшма ййигилишда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан ҳамкорлик меморандуми имзоланди ва 2025 йил апрель ойи “**Коррупцияга қарши курашиш ойлиги**” деб эълон қилинди.

Мазкур ойлик доирасида оммавий тушунтириш-тарғибот тадбирларини ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура, Адвокатлар палатаси, Судьялар ассоциацияси, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмитаси мутахассислари, Ички ишлар вазирлиги академияси, Хуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Коррупцияга қарши курашиш илмий таълим маркази профессорлари, мазкур идораларнинг жойлардаги вакиллари – судьялар, адвокатлар, ички ишлар ва прокуратура ходимлари, масжид имом-хатибларидан иборат бўлган республика ва ҳудудий Кенгашлар ишчи гуруҳлари шакллантирилди.

Таъкидлаш жоизки, ойлик доирасида тарғиботчилар гуруҳи томонидан “**Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг фаоллигини ошириш — қонун устуворлигининг зароли**” мавзусида маҳалла фуқаролар ййигинларида, “**Таълим соҳасида коррупцияга қарши иммунитетни шакллантириш — ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш-дир**” мавзусида мактабгача ва мактаб таълими ташкилотларида, “**Бўлажак кадрларни ҳалоллик ваққинаси билан эмлаш — давр талаби**” мавзусида олий ва профессионал таълим муассасаларида, “**Соғлиқни сақлаш тизимини “коррупциясиз соҳа”га айлантириш — устувор вазифамиз**” мавзусида юртимиздаги соғлиқни сақлаш муассасалари, тиббиёт йўналишидаги таълим ташкилотларида, жами **9 262** та кенг қамровли учрашувлар, давра суҳбатлари, тушунтириш-тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Йилнинг биринчи ярмида партия хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилиятини ва имкониятларини рўйбга чиқариши учун шaroитларни янада кенгайтириш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз роя қилинишини

таъминлаш ҳамда оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатни олиб борди.

Ёшлар масаласида ишлаб чиқилган “**Ёшлар саломатлиги — партия эътиборида**”, “**Бир ойда бир иш ўрни**” каби партиявий лойиҳалар доирасида партиянинг барча даражадаги бўйинларида давра суҳбатлари, учрашувлар, семинарлар ҳамда **тиббий кўриклар** ўтказилди.

Хусусан, “**Ёшлар саломатлиги — партия эътиборида**” лойиҳаси доирасида мактабгача ва мактаб таълими ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари билан ҳамкорликда жорий йилнинг 16 июлидан 20 июлига қадар болалар ўртасида “**яссиевқлик**” ва “**сколиоз**” касалликларини аниқлаш мақсадида жами **17 376** та мактабгача таълим муассасаларида тиббий кўриклар ўтказилди.

Акция доирасида жами **1 364 960** нафар болалар қамраб олинди. Тиббий кўриклар натижасида **18 243** нафариди **яссиевқлик**, **3607** нафар болаларда эса **сколиоз** касалликлари аниқланди. Ўрганиш якунлари бўйича соҳа мутахассислари томонидан тавсия ва тақлифлар ишлаб чиқилиб, тегишли вазирлик ва идораларга юборилди.

Жорий йилнинг 2 июнидан 13 июнгача “**Халқaro болаларни ҳимоя қилиш куни**” муносабати билан “**Бор меҳримиз сенга, болажон!**” шиори остида беғараз доирлик акцияси ўтказилди. Донорлик акциясига тайёргарлик кўриш жараёнида Республиканинг 26 та вазирлик ва идораларида доирликка чорлов хатлари юборилди. ОАВ ва ижтимоий тармоқларга эълонлар жойлаштирилди.

Акция давомида Республиканинг барча ҳудудларидан **13 024 кўнгиллилар**, **7 643** нафар донорлар қатнашиб, бунинг натижасида **3,5** тоннадан ортиқ (**3 тонна 569,990 мл.гр.**) “**хаёт томчилари**” ййигилди.

Шунингдек, жорий йилнинг феврал-март ойларида жойларда “**Биз зўравонликка қаршимиз!**” шиори остида акция ўтказилди. Акция давомида жами 418 та турли хил тадбир ва чепленжлар ташкил этилди ва 18 минг нафарга яқин иштирокчи қамраб олинди. Мазкур тадбирларда оилавий зўравонликка учраган хотин-қизлар билан яқма-яқка суҳбатлар ташкил этилиб, зарур ҳолларда уларга юридик, психологик ва тиббий ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилди.

Соҳа мутахассислари иштирокида эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида гендер тенгликни таъминлашга қаратилган “**Аёллар ҳуқуқлари ва гендер тенглиги**”, “**Оилавий-ҳуқуқий муносабатларда гендер тенглиги**”, “**Гендер тенглигини таъминлаш — давр талаби**”, “**Оилаларда гендер тенглик масалаларининг миллий ва умуминсоний жиҳатлари**”, “**Янги Ўзбекистонда гендер тенглик масалаларига янги ёндашу**” мавзусида 515 та тадбир ўтказилиб, уларда 8407 нафар иштирокчи қамраб олинди.

Ҳисобот даврида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида фаолият юритаётган партия депутатлари томонидан **1608** та депутатлик сўровлари юборилиб, уларнинг **1174 таси** ёки **73** фоизи ижобий ҳал этилди. Тегишли масалалар юзасидан **988 маротаба** мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари эшитилди.

Шунингдек, Ўзбекистон “Адолат” СДП депутатлик гуруҳлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорий Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари кўриб чиқиш учун доимий комиссияларга **283** та, Кенгашлар сессияларига эса **227** та масала киритилди. Натижада сессия ва доимий комиссияга киритилган масалалардан келиб чиқиб, аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш юзасидан масъул мансабдор шахсларга аниқ топшириқлар берилди ҳамда Кенгашнинг тегишли комиссияси томонидан қарорлар ихроси назоратга олиниши белгиланди.

Партиянинг 2025 йилга мўлжалланган Иш режасида белгиланган вазифалар ихроси юзасидан партия ҳамда унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан ўтказилган туркум тадбирлар, давра суҳбатлари, конференция ва муҳокамалар ОАВ орқали кенг ёритилди.

Мазкур даврда ОАВ ва ижтимоий тармоқларда республика миёсида жами **45 110** та материал эълон қилинди.

2025 йилнинг 6 ойи давомида Ўзбекистон “Адолат” СДП тизимидаги “**Адолат қабулхоналари**”га фуқаролар ва юридик шахслардан жами **1 585** та мурожаат келиб тушди. Уларнинг **670** таси (42,4%) партия депутатлик гуруҳлари ва фаоллари томонидан тегишли ижро органларига сўровлар чиқариш орқали

ҳал этилган бўлса, **418** нафар (26,3%) фуқарога ҳуқуқий маслаҳат бериш орқали ҳал этилди. **497** та (**31,3%**) мурожаатлар эса тааллуқлилиги бўйича ижро органларига йўналтирилган.

Ҳудудий Кенгашлар кесимида Хоразм, Сурхондарё, Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятлари ўтган даврда партия фаолиятини ёритиш бўйича юқори кўрсаткичларни қайд этди. Айрим ҳудудлар, жумладан, Навоий, Қашқадарё ва Сирдарё вилоятларида бу борадаги фаолликни янада ошириш зарурлиги кўзга ташланди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Партияимиз муассислигидаги бош нашримиз бўлган “**Adolat**” ижтимоий-сиёсий газетасини ҳаммагиз яхши билисиз. Газета республикамиздаги таниқли босма нашрлардан бири. Афсуски, газетанинг бугунги тиражи икки мингдан сал кўпроқ. Ваҳоланки, партияимиз аъзолари сони бир миллион икки юз минг нафардан ошади. Агар ҳар юз “адолат”чидан биттаси обуна бўлганида ҳам, газета адади аллақачон 12 мингдан ошиши керак эди. Бу масалага жиддий эътибор қаратиш керак. Чунки газета ўз ўқувчиларининг ҳам сиёсий билимини, ҳам ҳуқуқий маданиятини оширади. Газетамизга обунани ташкил этишга жиддий эътибор қаратиш лозим. Мана, партияимизнинг Тошкент шаҳар кенгаши қисқа муддат ичида газетата 600 донага яқин обуна уюштирди. Демак, қилса бўларкан. Ҳурматли ҳудудий кенгаш раислари, мен сизлардан ушбу масалани назоратга олишингизни сўрайман.

Ҳурматли Сиёсий Кенгаш аъзолари ва кадрли партиядошлар!

Энди партияимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг 2025 йилнинг биринчи ярим йиллигидаги фаолиятига қисқача тўхталсак.

Ушбу даврда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партияимиз фракцияси томонидан жамиятга қонун ва ижтимоий адолат тамойиллари устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, коррупцияга қарши курашиш ва соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ҳамда таъсирчан парламент назоратини ўрнатиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Ҳисобот даврида жами 30 маротаба фракция мажлиси ўтказилиб, уларда **255** та масала муҳокама қилинди. Мажлисларда кўриб чиқилган масалаларнинг **33** таси Президентнинг муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва таъкисиёсат соҳаларидаги долзарб масалалар бўйича маърузалари, фармон ва қарорларидан келиб чиқадиغان устувор вазифаларга, **169** таси қонун ижодкорлигига, **16** таси назорат-таҳлил фаолиятига, **5** таси сайлов округи якунларига ҳамда **32** таси ташкилий ва бошқа масалаларга бағишланди.

Фракция аъзолари бошқа фракциялар билан биргаликда **6** та қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритишда ҳам ташаббускор бўлишди.

Шу ўринда, аҳолининг маданий-маишрий эътиҳларини қондириш ва дам олиши учун фойдаланиладиган ерларни ҳамда яшил ҳудудларини муҳофаза қилиш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратиш мақсадида “Ер участкаларидан фойдаланиш тартиби янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунни алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз.

Шунингдек, фармацевтика ва тиббиёт ходимлари орасидаги яширин келишув ва қонунчи мулоқот, фармацевтларнинг тиббиёт муассасаларига қараган ҳомилигини тўлиқ таққиллаш, дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг аҳолига арзон ва қулай бўлишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси устиди иш олиб борилмақда.

Мазкур қонун лойиҳаси бўйича ташаббус коррупцияга қарши давлат сиёсати ва халқ соғлиғини ҳимоя қилиш талабларига мувофиқ ишлаб чиқилмоқда.

Фракциянинг партия Сайловолди дастуридан келиб чиққан ҳолда қонун лойиҳаларини жойларда кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш, қонунларни такомиллаштиришда қуйи партия ташкилотларидан тақлифлар олиш орқали электорат манфаатларини акс эттириш бораидаги ишлари ҳам изчил давом эттирилди.

Жумладан, “**Фракция — марка — вилоят — туман**” тизими орқали партия билан ҳамкорликда **10** га яқин қонун лойиҳасининг жойлардаги муҳокамаси ташкил этилиб, уларда фуқаролар томонидан билдирилган асосли так-

лифлар ва фикр-мулоҳазалар белгиланган тартибда масъул қўмиталарга тақдим этилди.

Фракция депутатлари томонидан Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий — амалий тиббиёт марказининг Фарғона ва Хоразм филиалларида муддатидан аввал туғилган чақалоқларда ретинопатия касаллигини эрта аниқлаш ва скрининг текширувларини амалга ошириш жараёни ўрганилди.

Фарғона вилоятида ўтган 2024 йилда 10 минг 296 нафар чақалоқлар туғилган, шундан 4 минг 152 нафари муддатидан олдин туғилганларни ташкил этади.

Фарғона ва Марғилон шаҳар ҳамда Бешарик, Богдад, Фарғона, Қўштепа, Фуқат, Ёзёнов, Ўзбекистон туманларида туғиш ёшдаги аёлларнинг 60 фоизда камқонлик, 40 фоиздан кўпида ҳар хил турдаги экстрагенитал касалликлар аниқланди.

2020 йилга нисбатан кам ваэзли чақалоқларнинг туғилиши 4 минг 378 нафардан (4,9%) 4 минг 152 нафарга (4%) қамайган бўлса-да, ўта кам ваэзли чақалоқлар туғилиши салмоғи ортиб бормоқда, масалан, 2020 йилда 8,6 фоиз ва 2024 йилда 10,4 фоизни ташкил этди.

Ўрганишлар жараёнида аниқланишча охириги 3 ой давомида текширилган муддатидан аввал туғилган 265 нафар чақалоқлардан 25 нафарида кўз пардасининг шикастланиши аниқланган.

Шунингдек, Хоразм вилоятида ўтган 2024 йилда 7 минг 675 нафар чақалоқлар туғилган, шундан 1 минг 130 нафари муддатидан олдин туғилганларни ташкил этади.

Охириги 6 ой давомида муддатидан аввал туғилган чақалоқларнинг 22 нафарида кўз пардасининг шикастланиши, уларнинг 5 нафарида касалликнинг энг оғир бешинчи даражаси қузатишган.

Ретинопатия билан касалланган беморлар бугунги кунда Болалар марказида ва хорижий клиникаларда даволанмоқда, бу эса ёш оилаларнинг нафақат маънавий, балки моддий аҳолига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Таҳлилга кўра, Болалар марказида даволаниш учун ота-оналарнинг йўл харажатлари, яшаш ва овқатланиш учун ўртача 20 — 25 миллион сўм, хорижий давлатларда даволаниш учун 2000 — 3000 доллар маблағ зарур бўлар экан.

Ўрганиш юзасидан муаммоларни ижобий ҳал этишга қўмақлашиш мақсадида фракцияимиз томонидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, келгусида муддатига етмасдан туғилган чақалоқлар ретинопатиясини ўз вақтида аниқлаш, даволаш ва уларда ногиронликнинг олдини олиш ва тиббий хизматларни янада яхшилаш мақсадида Иқтисодиёт ва молгия вазирлигига маблағ ажратиш ҳақида хат чиқарилди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳам тегишли тартибда мурожаат қилди.

Шунингдек, “**Адолат**” СДП фракцияси ташаббуси билан “**Оролбўйи минтақаси аҳолиси орасида онкологик касалликларни эрта аниқлаш ва олдини олиш селектив скрининг маркази**”ни ташкил этиш лойиҳаси тайёрланди. Ушбу лойиҳа Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан ҳар тарафлама ўрганилиб, қониқ деб топилиб ва 3 миллиард сўм маблағ ажратилди. Мазкур грант маблағи эвазига ташкил қилинадиган янги скрининг маркази Оролбўйи минтақаси аҳолиси ўртасида онкологик касалликларни илк босқичларда аниқлаш ва бартараф этишга жуда катта ёрдам беради.

Ҳисобот даврида фракция томонидан долзарб масалалар юзасидан мансабдор шахсларнинг ахборотини Қонунчилик палатаси мажлисларида эшитиш, шунингдек, улар фаолияти устидан таъсирчан парламент ҳамда депутатлик назоратини амалга ошириш бораида муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, фракция аъзоларининг жойлардаги ўрганишлари ҳамда сайлов округларидаги фаолиятлари давомида аниқланган долзарб масалалар бўйича берилган тақлифлари асосида “**парламент зийли**” ва “**ҳукумат соатлари**” ўтказилди ҳамда **парламент сўровлари** юборилди.

Жумладан, — 18 март куни фракция ҳамда Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси ҳамкорлигида ўтказилган ййигилишда Бош вазир ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Зулайхо Маҳмадованинг “**Оилаларни мустаҳкамлаш ва хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш бораида амалга оширилган ишлар тўғрисида**”ги масала юзасидан ахбороти эшитилди.

— 17 апрель куни ўтказилган “**Хукумат соати**”да “Адолат” СДП фракцияси ҳамда Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси ташаббуси билан соғлиқни сақлаш вазири Асилбек Худаяров “**Соғлиқни сақлаш соҳасида коррупция омилиларини олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида**”ги масала юзасидан ахборот берди.

— 6 май куни “Адолат” СДП фракцияси ҳамда Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси ташаббуси билан соғлиқни сақлаш вазири Асилбек Худаяровга “**Аҳоли орасида онкологик касалликларнинг олдини олиш ва барвақт аниқлаш бораида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида**” парламент сўрови юборилди.

— 14 май куни ўтказилган “**Хукумат соати**”да “Адолат” СДП фракцияси ҳамда Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси ташаббуси билан спорт вазири Аҳсам Икрамов “**Мамлакатимизда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ҳамда жисмоний тарбия ва спортни омаллаштириш бораида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида**”ги масала юзасидан депутатлар саволларига жавоб берди.

Ҳисобот даврида сайловчилар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда партия электорати томонидан кўтарилган долзарб масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан давлат органларининг мансабдор шахсларига жами **21** та депутат сўрови юборилди.

Фракция томонидан жойларда аҳоли билан юзма-юз мулоқот қилиш, фуқароларни йўналтириб келаётган тизимли муаммоларни аниқлаб, ҳал этиш чораларини кўриш, мурожаатлар билан ишлаш бораидаги ишлар давом эттирилди.

Ҳисобот даврида фракция рахбари бошчилигида партиянинг сиёсий мафкураси ҳамда электорат манфаатидан келиб чиқиб, аҳоли муаммоларини таҳлил қилиш ва уларнинг ечими юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш мақсадида Самарқанд, Сурхондарё, Бухоро, Тошкент, Жизжаз вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида ўрганишлар ўтказилди.

Уларда тиббиёт соҳасидаги муаммолар, дорилар устидан назорат, дори нархлари сунъий ошишининг олдини олиш, суд-ҳуқуқ, адлия, таълим соҳасидаги ислохотлар самарадорлиги, истирохат боғларини яхшилаш, аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, ижтимоий объекларни сақлаб қолиш, қамбағалликни қисқартириш ва инвестиция дастурлари, хотин-қизлар муаммолари, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўрганишлар давомида аниқланган

Ҳурматли пленум иштирокчилари!

2025 йилнинг иккинчи ярми учун аниқ “Йўл харита”си ишлаб чиққан ҳолда, қуйидаги йўналишлардаги амалий ишларимизни давом эттираимиз:

- коррупцияга қарши курашиш ҳамда манфаатлар тўқнашуви, очик маълумотлар ва жамоатчилик назорати механизмларини кучайтириш;
- Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг тегишли қарори ихроси юзасидан депутатларнинг округлардаги ишнинг рақамлаштириш, “**муаммо — чора — натижа**” занжирини порталда акс эттириш;
- Президент фармони билан тасдиқланган “**Ўзбекистон—2030**” стратегиясининг 79-мақсадида парламент ва партиялар ролини ошириш бўйича белгиланган вазифаларни амалга ошириш;
- Фракциянинг 2025 йил чора-тадбирлар режаси ва партиянинг иш режаси ихросини тўлиқ ва сифатли таъминлаш.

Ҳурматли депутатлар ва фаоллар!

Адолат — сиёсий устуворлик, инсон қадр — қайси соҳада бўлмасин, бош мезон бўлиши лозим!

Бугунги ҳисобот-маърузада келтирилган рақамлар — оддий статистика эмас. Бу — партияимизнинг сиёсий майдондаги амалий ҳаракатлари, парламент минбаридан айтилган сўзининг ҳаётдаги ифодаси ва энг муҳими, халқ ишончига муносиб бўлиш йўлидаги жавобгарликимиздир.

Партиянинг ушбу даврдаги фаолияти, ўз моҳиятига кўра давлат сиёсатининг ажралмас бир бўғини сифатида жамиятда адолат ва қонун устуворлигини қарор топтириш, фуқароларнинг муаммоларини ҳал этишда ташаббускорликни ошириш, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий онгини юксалтиришга хизмат қилди.

2025 йилни юқори кўрсаткичлар билан якунлаш, белгиланган устувор вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш — фақат ва фақат биргаликдаги меҳнатимизга боғлиқ бўлади.

Биринчидан — қонунчилик сифатига эътибор: ҳар бир модда — инсон манфаати учун!

Иккинчидан — назоратда қатъият: ҳар бир қарор — ижрода!
Учинчидан — мулоқотда очикилик: ҳар бир мурожаат — ҳал этилиши керак!

Шундан кейингизна биз “Адолат” номи билан нафақат сиёсий майдонда, балки ҳар бир фуқаро ҳаётида ҳақиқий маънода адолат ва имкониятлар рамзига айланамиз.

Юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги ва янги зафарлар йўлида ҳамжihatликда олдинга бораёлиқ!

Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони!
Шундай экан, биз биргаликда, албатта, қонун устувор бўлган адолатли фуқаролик жамияти барпо эта

Сўз – Пленум қатнашчиларига



Ойдин АБДУЛЛАЕВА, “Адолат” СДП фракцияси аъзоси:

– Юқорида олти ойлик фаолиятимиз сарҳисобига бағишланган ҳисоботни тингладик. Фурсатдан фойдаланиб, партиямиз томонидан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга доир амалга оширилган ишларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Ушбу йўналиш партиямизнинг устувор мақсадларидан бири экани, бугунги ҳаёт талаби сифатида кун тартибимиздан мустақкам ўрин олгани сир эмас.

Ҳисоботда таъкидланганидек, бугун партиямиз аъзоларининг 53,7 фоизи хотин-қизлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу кўрсаткич партиямизга бўлган ишончининг, хотин-қизларимиз сиёсий жараёнларга тобора фаол қўшилаётганининг ёрқин ифодасидир.

Бироқ рақам ортидаги мазмунга ҳам эътибор қаратиш ўринли: аёллар нафақат партия аъзоси сифатида, балки ташаббускор, ташкилотчи ва етакчи сифатида ҳам сафимизга қўшилишмоқда.

Жорий йилнинг биринчи яримида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган 515 та тадбирда 8 мингдан ортиқ хотин-қизлар иштирок этгани ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлайди.

Қонунчилик палатаси фракцияси фаолиятида ҳам хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш йўналиши устуворлик касб этмоқда.

Хусусан, сўнги олти ойда қатор амалий ташаббуслар илгари сурилгани қувонарлидир. Жорий йил 18 март кунини ўтказилган йўналишда Бош вазир ўринбосари – Ойла ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Зулайхо Маҳкамованинг ахборотини эшитганимиз. Жараёнда хотин-қизларнинг оилавий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётидаги долзарб масалалар атрофида муҳокама қилинди. 6 май кунини эса аҳоли саломатлигига доир муҳим масала кўтарилди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги оқилоғлик касалликларнинг олдини олиш ва барвақт ташхис қўйиш бўйича парламент сўрови юборилди. Бу ташаббус, айниқса, хотин-қизлар саломатлигини муҳофаза қилишда катта аҳамиятга эга.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фақат айрим масалалар билан чекланиб қолмаслиги керак. Бу – комплекс сиёсат. Унда қўйидаги устувор йўналишлар ҳамisha диққат марказимизда бўлиши керак:

1. Сиёсий фаоллик – хотин-қизларимизнинг маҳаллий ва марказий давлат органларида, партия ва жамоат ташкилотларида янада кўпроқ иштирок этиши;
2. Ҳуқуқий кафолатлар – уларнинг меҳнат, таълим, соғлиқни сақлаш ва оилага оид ҳуқуқларини мустақкам ҳимоя қилиш;
3. Иқтисодий имкониятлар – аёлларнинг тадбиркорликдаги улушини ошириш, уларга имтиёзли кредитлар ва қулай шарт-шароитлар яратиш;
4. Илмий ва маданий салоҳият – хотин-қизларни фан, маданият ва спорт соҳаларида фаол қўллаб-қувватлаш;
5. Оналлик ва болалик муҳофазаси – бу йўналишда давлат ва жамият эътиборини янада кучайтириш.

Маҳаллаларда ўтказилган учрашуларда қўллаб хотин-қизлар ўз муаммоларини очиб айтиш имконига эга бўлди. Улар орасида иш билан таъминланиш, касбга ўқиш, фарзанд тарбияси, тиббий хизмат сифати билан боғлиқ масалалар кўтарилди. Бундай мулоқотлар натижасида ўнлаб аёллар доимий ишга жойлаштирилди, бир қисмига “Ишга марҳамат” мономарказлари орқали касбга ўқиш имконияти яратилди. Ушбу хайрли ишларимизни янада уюшқоқлик билан давом эттиришимиз лозим.

Хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш – бу нафақат партиямизнинг, балки бутун жамиятимизнинг олий мақсади.

Биз хотин-қизларимизнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётдаги иштироки қанчалик фаол бўлса, жамиятимиз тараққиёти шунчалик барқарор ва изчил бўлади, деб ҳисоблаймиз.



Беҳзод ТЎХТАМУРОДОВ, “Адолат” СДП фракцияси аъзоси:

– “Адолат” СДПнинг навбатдаги Пленуми муваффақиятли ўтди. Жорий йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлар таҳлил қилиниб, янги мақсадлар белгиланди.

Ҳисобот даврида ёшлар сиёсатидаги ҳар йилдан ҳам кўпроқ эътибор қаратилгани диққатимни тортди. Хусусан, “Ёшларни ахборот хуружидан асраймиз” маърузида 402 марта, “Ватан келажаги ёшлар қўлида” лойиҳаси доирасида эса 401 та давра суҳбати, семинар ва бошқа турдаги маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилган.

Бундан ташқари, “Ёшлар парламенти” аъзолари иштирокида ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларда ахборот олиш маданиятини шакллантириш мақсадида 197 та учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилгани ҳам эътиборга молик.

Яна бир жиҳат. Олий таълим муассасаларида, маҳаллаларда Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгаш депутатлари иштирокида “Депутат ва ёшлар” учрашуви ташкил этилаётгани ука-сингилларимизнинг сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда. Ўтган даврда шу каби учрашувлар 656 марта ташкил этилгани фикримизнинг тасдиғидир.

Албатта, бу ишлар билан чекланиб қолмаймиз. Қонун ёшдорлиги жараёнида ҳам ёшлар манфаатларини кенроқ ифода этиш, ёшлар сиёсатида оид қонунларни тайёрлашда амалий тақлифларни илгари суриш галдаги мақсади-миздир.

Пленумда ёшлар билан ишлаш йўналиши бўйича янги режа ва мақсадлар, вазифалар белгиланди.

Ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, стартап ва инновация лойиҳаларини амалга оширишга ёрдам беришни ҳам устувор вазифа қилиб оламиз. Партия Сайловолди дастурида белгиланган “Ёшлар – Янги Ўзбекистоннинг таянчи ва ҳаракатлантирувчи кучи” деган гоя бизга дастурил-амал бўлиб хизмат қилади.

Ушбу вазифаларни сифатли бажаришда биз, ёш адолатчилар ҳам камар-баста бўламиз.

Нурлибой ҚАЙПБЕРГЕНОВ, “Адолат” СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси:

– Партиянинг ярим йиллик ҳисоботида дастурий вазифаларни амалга оширишда электорат ва аҳоли билан юзма-юз мулоқотлар ташкил қилинган, юртдошларимизни қийнаётган, жамият ривожига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича жамоатчилик тақлифлари ишлаб чиқилаётгани қўл келаетгани алоҳида таъкидланди. Бу борада “Адолат” СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ва туман-шаҳар кенгашлари томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, дастлабки олти ойликда жами 1286 та тадбир ўтказилиб, уларда 28 536 нафар аҳоли қамраб олинди.

Ҳафтанинг ҳар чоршанба кунини партия фаоллари ва депутатларидан иборат ишчи гуруҳ тузилиб, маҳалла фуқаролар йиғинларида сайловчилар билан юзма-юз учрашушни анъанага айлантирдик. Ҳисобот даврида 103 та маҳалладаги 1541 та хонадон ва 98 та ҳўжалик юртувчи субъектга таъриф буюрилди. Ушбу учрашувлар мобайнида аҳолидан 128 та муурожаат келиб тушди. Улар юзасидан мутасаддиларга 53 та депутатлик сўрови юборилиб, 42 таси ижобий ечимини топди. Бундан ташқари, 75 та муурожаат муаллифига жойида ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Партиямизнинг 2025 йил режасида Оролбўйи минтақаси аҳолиси учун онкологик касалликларнинг олдини олиш ва барвақт аниқлаш – селектив скрининг – профилактика хизматини ташкил этиш ташаббуси ҳам ўрин олган. Ушбу ташаббусга асос бўлган “Соғлом турмуш тарзи йўлида бирлашайлик” лойиҳаси доирасида 61 маротаба учрашувлар ўтказилди ҳамда уларда 981 нафар аёллар иштирок этди.

Жумладан, 2025 йил 24 апрель кунини Тўрткўл туманида “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси Робохон Махмудова раҳбарлигида “Биргаликда саратонга қарши курашамиз!” акцияси бўйича тиббий кўрик ташкил этилди.

Тиббий кўрикка тумандаги барча маҳаллалардан аёллар жалб қилинди.

Республика онкология марказидан онкологлар, онкогинекологлар, маммологлар келиб, юртдошларимизни кўриқдан ўтказишди.

Жараён давомида бир гуруҳ аёллар рўзгор ташвишлари билан Нукус шаҳридаги онкология марказида тиббий кўриқдан ўтишга вақт топа олинмагани, тиббий жиҳозлар ва тажрибали шифокорлар бевосита туман марказига келгани уларга катта қулайлик яратганини билдиришди.

Энг асосийси, Республика иختисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий маркази Қорақалпоғистон филиали жамоаси билан яқин ҳамкорликда юқоридаги каби тиббий кўриқлар ҳар ойда бир ту-



манда режа асосида давом эттирилмоқда.

Партиямиз Сиёсий Кенгаши раиси Робохон Махмудова Қорақалпоғистонга сафари доирасида Қон-қуйиш станциясида бўлиб, марказ мутахассислари билан суҳбатлашган эди. Мулоқот натижаси ўлароқ “Бор меҳримиз сенга, болажон!” акцияси жорий йилда 10 иш кунига узайтирилди. Натижада Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 716 нафар кўнгилли акцияда иштирок этиб, 180,9 литр қон топиширишди.

Шунингдек, партиямиз режасида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга давлат ҳисобидан тиббий хизмат кўрсатиш сифати, оғир касалларни давлат томонидан даволаш амалиётини ўрганиш масаласи халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларига юклатилган.

Ушбу масала бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Нодира Рашидова Қорақалпоғистонда бўлиб, маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз билан аҳоли саломатлигини сақлаш борасида белгиланган устувор вазифалар ижросини муҳокама қилди. Шунингдек, туманларда аҳоли ва тиббиёт муассасаларини арзон ҳамда сифатли дорилар, тиббий буюмлар билан таъминланганлик ҳолати ўрганилди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенесидеги партия фракцияси томонидан мансабдор шахс эшитиш ташкил қилиниб, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўринбосарининг ҳисоботи тингеланди.

Партиямиз Сиёсий Кенгаши раисининг маърузасида таъкидланганидек, эришилган ютуқлар ўзимизники, лексин олдинда партиямиз ривожини йўлида қиладиган ишларимиз кўп.



Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши аъзоси:

– “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши ҳамда Қонунчилик палатасидаги фракциясининг олти ойлик фаолиятига бағишланган ҳисоботни диққат билан тингладим. Аввало, партия ўз дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, аниқ режа ва “Йўл харитаси” асосида иш олиб бораётганини эътироф этмоқчиман. Қисқа вақт ичида муайян ишлар амалга оширилгани, қўллаб-қувватлаш ўтказилиб, илгори ташаббуслар илгари сурилаётганига гувоҳ бўлдик. Зеро, ишлорлар шиддат билан кечаяётган бугунги кунда партиялар, хусусан, депутат ва сенаторларимизнинг фаоллиги ҳар қачондан муҳим.

Бундай тарихий жараёнда янги гоғлар, ташаббусларни илгари суриш, ҳукуматга аҳоли турмуш сифатини оширишга қаратилган, истиқболли тақлифлар киритиб боришимиз зарур. Қувонарлиси, партиямиз ана шу вазифани уddала-япти. Буни жорий йилнинг биринчи ярмида ўтказилган тадбирлар, учрашув ва давра суҳбатлари, акциялар самарасидан ҳам кўришимиз мумкин.

Қолаверса, партиямиз сафи олти ойда қариб 140 минг нафар аъзога қўпайгани ҳам дастурий гоғларимиз халқимиз орасида оммалашиб бораётганидан, одамлар “Адолат” ташаббусларига ишонч билан қараётганидан далолат беради.

Эътиборингизни яна бир муҳим жиҳатга қаратмоқчиман. Тўғри, партиянинг аниқ режаларга асосланган фаолияти маъжуд. Бироқ замон талабларини ҳам инобатга олишимиз керак. Биз ўзига хос бир даврда – олимлар таъбири билан айтганда, “Ахборот асри”, “Рақамли замон”да яшаймиз. Бугунги ёш авлод ҳам замонга бутунлай бошқа нуқтаи назар билан қарайди. Мамлакатимиз аҳолисининг деярли ярмини ташкил этадиган ёшлар ҳақида сўз борганда, “Рақамли авлод” тушунчаси ишлатилаётгани бежиз эмас.

Эндики фаолиятимизда айнан шу масалага жиддий эътибор қаратишимиз керак. Аввалгидек фуқароларни бир жойга тўплаб, тушунтириш ишларини олиб бориш каби эскича услублар бугун қутилган самарани бермаяпти. Чунки ҳаётимиз рақамли муҳитга кўчди. Бугун ҳар биримиз компьютер ва смартфонлардан фойдаланамиз, ҳатто сунъий интеллект ҳам шиддат билан ривожланыпти. Демокриманки, фаолиятимизни бугунги “Рақамли дунё” талабларидан келиб чиқиб такомиллаштиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бугунги кунда аксарият инсонлар, хусусан, ёшлар, асосий вақтини ижтимоий тармоқларда ўтказмоқда. Ўзаро мулоқот ва муҳокамаларни ҳам айнан шу ерда олиб бормоқда. Айнан ижтимоий тармоқлар орқали уларни қизиқтирган йўналишларда иш олиб бориш, уларни сиёсий жараёнларга янада фаол жалб қилиш, фикримча, энг муҳим вазифамиздир.

Биз ёшлар билан уларга мақбул услубда ва уларнинг “тили”да мулоқот қилишимиз, уларни қизиқтирадиган маълумотлар билан ишлашимиз зарур.

Агар партия ўз фаолиятини ушбу йўналишда такомиллаштиради, сайловчиларимизга янада яқинлашиб, уларнинг муаммоларини ҳал этишда юқори самардорликка эришишимизга ишонаман.





Ярим йиллик фаолият сарҳисоб қилиниб, келгуси вазифалар белгилаб олинди

“Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни” муносабати билан ташкил қилинган “Бор меҳримиз сенга, болажон!” беғараз донорлик акцияси жамоатчилик томонидан қизгин қўллаб-қувватланди. Мазкур хайрли ташаббусда республиканинг барча ҳудудларидан 13 024 кўнгилли ва 7 643 нафар донор иштирок этиб, жами 3 тонна 569 990 миллиграмм “ҳаёт томчилари” тўпланди.

Пленумда Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг фаолияти ҳам сарҳисоб қилинди. Таъкидланганидек, ўтган даврда 30 маротаба фракция мажлиси ўтказилиб, уларда 255 та масала муҳокама қилинди. Мажлисларда кўриб чиқилган масалаларнинг 33 таси Президентнинг муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ташқи сиёсат соҳаларидаги долзарб масалалар бўйича маърузалари, фармон ва қарорларидан келиб чиқадиган устувор вазифаларга, 169 таси қонун ижодкорлигига, 16 таси назорат-таҳлил фаолиятига, 5 таси сайлов округи яқунларига ҳамда 32 таси ташкилий ва бошқа масалаларга бағишланди. Шунингдек, бошқа партиялар фракциялари билан ҳамкорликда 6 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Қонунчилик палатаси муҳокама-сига киритилди.

Ўз навбатида, аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш ва дам олиши учун фойдаланиладиган ерларни ҳамда яшил ҳудудларни муҳофаза қилиш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратиш мақсадида ишлаб чиқил-

ган “Ер участкаларидан фойдаланиш тартиби янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, фармацевтика ва тиббиёт ходимлари орасидаги яширин келишув ва ноқонуний мулоқот, фармацевтларнинг тиббиёт муассасаларига ғаразли ҳомилигини тўлиқ тақиқлаш, дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг аҳолига арзон ва қулай бўлишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси устида иш олиб борилаётгани таъкидланди. Қолаверса, мазкур қонун лойиҳаси бўйича ташаббус коррупцияга қарши давлат сиёсати ва халқ соғлиғини ҳимоя қилиш талабларига мувофиқ ишлаб чиқилаётгани айтиб ўтилди.

Шу билан бирга, партия Сайловолди дастуридан келиб чиққан ҳолда қонун лойиҳаларини жойларда кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш, қонунларни такомиллаштиришда партиянинг қўйи ташкилотларидан тақлифлар олиш орқали электорат манфаатларини тўла акс эттириш ишлари самарали амалга оширилмоқда. Жумладан, “Фракция – марказ – вилоят – туман” тизими орқали партия билан ҳамкорликда 10 га яқин қонун лойиҳасининг жойлардаги муҳокамаси ташкил

этилди, фуқаролар томонидан билдирилган асосли тақлиф ва фикр-мулоҳазалар белгиланган тартибда масъул кўмиталарга тақдим этилди. Ҳисобот даврида, партия фракцияси раҳбари ва аъзолари томонидан Самарқанд, Сурхондарё, Бухоро, Тошкент, Жиззах, Сирдарё, Навоий вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида ўрганишлар ўтказилди.

Қолаверса, фракция депутатлари томонидан Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Фаргона ва Хоразм филиалларида муддатидан аввал туғилган чақалоқларда ретинопатия касаллигини эрта аниқлаш ва скрининг текширувларини амалга ошириш жараёнлари ўрганилди.

Ўрганишлар юзасидан муаммоларни ижобий ҳал этишга кўмаклашиш мақсадида фракция томонидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, келгусида муддатига етмасдан туғилган чақалоқлар ретинопатиясини ўз вақтида аниқлаш, даволаш ва уларда ногиронлиқнинг олдини олиш ва тиббий хизматларни янада яхшилаш мақсадида Иқтисодиёт ва молия вазирлигига маблағ ажратиш ҳақида хат чиқарилди. Соғлиқни сақлаш вазирлигига ҳам тегишли тартибда муурожаат қилинди.

Пленумда келгусидаги устувор мақсад ва вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, коррупцияга қарши ку-

рашишга қаратилган тадбирлар самарадорлигини янада ошириш, давлат ва жамият ҳаётида манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш, мол-мулкни декларациялаш, очик маълумотлар ва жамоатчилик назорати механизmlарини кучайтириш, шунингдек “Ўзбекистон–2030” стратегиясининг 79-мақсадида парламент ва партиялар ролини ошириш бўйича белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш каби режалар белгиланди.

– Бизнинг сиёсий вазифамиз – қонун устуворлиги ва очиклик асосида ҳар бир хонадонга адолат етказиш, ҳар бир болага имконият яратиш, ҳар бир ёшга ишонч, ҳар бир аёлга ҳимоя, ҳар бир тадбиркорга эркин майдон тақдим этиш учун тизимни мустаҳкамлашдир, – деди партия етакчиси **Робохон Махмудова**. – Шу мақсадда барчамиздан янада юқори масъулият, жипслик ва аниқ натижа талаб этилади. 2025 йилни юқори кўрсаткичлар билан яқунлаш, белгилашга устувор вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш – фақат биргаликдаги меҳнатимиз самарасидир.

Қонун тартибига киритилган барча масалалар муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди ҳамда партиянинг келгусида амалга оширилиши кўзда тутилган режалари ижроси юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

“Адолат” СДП Матбуот хизмати

АДОЛАТЛИ ҚОНУНЛАР ВА ОЧИҚ ИМКОНияТЛАР — ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН

Биз ҳам адолатли қонунлар ва бир хил қоидалар асосида барчага тенг имконият яратиш ғоясини қўллаб-қувватлаймиз. Президентимиз таъкидлаганидек, солиқ юкини енгиллаштириш ва лицензия олиш жараёнларини соддалаштириш – бу нафақат тадбиркорларнинг балки бутун жамиятнинг манфаатига хизмат қилади.

“Адолат” СДП ушбу жараёнларда нафақат кузатувчи, балки фаол иштирокчи сифатида ўз масъулиятини ҳис қилади. Президентимиз тақлиф қилган ташаббусларни қўллаб-қувватлар эканмиз, қуйидаги амалий тақлифларни ҳам илгари сурмоқчимиз.

1. Қонун ижодкорлиги жараёнида тадбиркорлар фикрини тинглаш: ҳар бир қонун, ҳар бир қарор амалда ишбилармон инсоннинг кундалик ҳаётига қандай таъсир кўрсатишини эътиборга олиш керак. Бу адолат ва очиклик тамойилидир.

2. Солиқ ва молия тизимида рақамлаштиришни тезлаштириш: коррупция ва бюрократияни йўқотишнинг самарали йўли рақамли хизматларни кенг жорий этишдир.

3. Ёшлар тадбиркорлигини алоҳида қўллаб-қувватлаш: бугунги кунда мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпи ёшлар. Уларга қўшимча имкониятлар бермасак, эртанги кунда жамиятимиз тараққиёти секинлашиши мумкин. Шунинг учун ёш тадбиркорларнинг ғоя ва ташаббусларини моддий ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш лозим.

“Адолат” социал-демократик партияси ўз дастурий ғоялари билан ушбу жараёнларда фаол иштирок этишга, тадбиркорлар манфаатларини қонунчиликда ифодалашга, тенглик ва адолат тамойиллари асосида кенг имкониятлар яратишга интилади.

Ишонамизки, давлат ва жамият саъй-ҳаракатлари уйғунлашса, тадбиркорларимизга адолатли ва эркин муҳит яратилса, юртимиз иқтисодиёти янада юксалади, халқимиз турмуш даражаси янада ошади.

Фракция йиғилиши

Конституциявий ҳуқуқлар таъминланади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси йиғилишида давлат органининг ёки унинг мансабдор шахсининг қонунга хилоф қарори, ҳаракати ёхуд ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Ушбу ҳужжат давлат органининг ёки мансабдор шахснинг қонунга хилоф қарори, ҳаракати ёхуд ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Лойиҳа билан етказилган зарарнинг ўрнини компенсация қилиш, ҳудудий компенсация жамғармаси ҳисобидан қоплаб берилган маблағларни кейинчалик айбдор деб топилган давлат органининг мансабдор шахсидан тўлиқ миқдорда регресс тартибида ундириб олиш, ҳудудий компенсация жамғармаси маблағларини шакллантириш тартиби белги-ланмоқда.

Мунозаралар давомида фракция аъзолари қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари, тақлиф ва тавсияларини билдиришди. Хусусан, депутат Шухрат Ёқубов лойиҳанинг 2-, 4- ва 13-моддалари, Дилмурод Исмоилов эса 9- ва 14-моддалари бўйича аниқлаштирувчи саволлар берди.



Қонун ташаббускорлари ушбу саволлар бўйича батафсил тушунтириш бериб, мазкур ҳужжат фуқароларнинг давлат органларининг ёхуд улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопла-ниши тўғрисидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилишини қайд этишди.

Йиғилишда фракция аъзоси Зухриддин Мавлонов ҳам қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикрларини билдирар экан, уни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатларнинг тақлифлари асосида бир қатор ишлар амалга оширилганини қайд этди. Хусусан, айрим нормалардаги номувофиқликлар бартараф этилиб, ҳужжат матни маромига етказилганини таъкидлади.

Қизгин муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Сўз – Пленум қатнашчиларига

Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА, “Адолат” СДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси:

– Тошкент шаҳар кенгаши томонидан партия-мизнинг дастурий мақсад ва вазифаларини рўйбга чиқариш йўлида амалга оширилган ишлар ҳақида қисқача маълумот бериб ўтмоқчиман.

2025 йилги фаолиятимизни кенгашнинг моддий-техник таъминотини яхшилаш ҳамда унинг таркибидоги туман кенгашлари фаолиятини тубдан ўрганиб, намунали деб топилаётган ходимларни рағбатлантириш, фаолиятида камчиликлар қузатишганларига интизомий таъсир чораларини қўллашдан бошладик. Бу жараёнда партиямиз марказий аппаратидаги таширф буюрган маъсул ходимлар бизга катта кўмак ва амалий ёрдам кўрсатишди.

Январь-февраль ойларида партиямиздан Тошкент шаҳар кенгашига сайланган 10 нафар, туманлар кенгашларига сайланган 49 нафар депутатлар фаолиятини такомиллаштиришга, партиямиз дастурий мақсад ва вазифаларини самарали амалга оширишда улар билан ҳамкорликни кучайтиришга эътибор қаратилди. Ўтказилган махсус семинар-тренингларида сайловчилар ишончини қозониш бош мақсадимиз экани билдирилди.

Жорий йилнинг март ойи давомида бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини тубдан яхшилаш ҳамда намунали бошланғич партия ташкилотларини қўллаш чоралари кўрилди. Жумладан, ҳар бир туманда 5 тадан намунали бошланғич партия ташкилотларини ташкил этилди. Шу ўринда айтиб ўтиш жоиз, Тошкент шаҳар кенгаши томонидан ўтган 7 ой давомида 12 та туманда 79 та янги бошланғич партия ташкилотлари ташкил қилиниб, уларнинг сони бугунги кунда 402 тага етди.

Апрель-май ойларида эса Тошкент шаҳридаги маҳаллалар ҳамда олий таълим муассасаларида “Коррупцияга қарши курашиш – адолатли жамият”ни бунёд этиш йўлида муҳим қадам” шиори остида 500 дан ортиқ учрашув, давра суҳбати ҳамда семинар-тренинглари ўтказилди. Унда партиямиз депутатлари, аёллар ҳамда ёшлар қаноти вакиллари, шунингдек, 10 минг нафардан ортиқ аҳоли қамраб олинди.

Мазмунли, ишонч олинган дастлабки ўн кунлигида республикамизнинг барча ҳудудларида “Бор меҳримиз сенга, болажон!” шиори остида беғараз донорлик акцияси ташкил этилди. Ушбу жараёнда Тошкент шаҳар кенгаши ҳам фаол иштирок этди. Тошкент географик жиҳатдан қичқ ҳудуд бўлишига қарамай, республика миқёсида энг кўп донорларни жалб этган ҳудуд макомига эришди. Ушбу акцияда Тошкент шаҳри бўйлаб 2 мингдан ортиқ хайрихоҳлардан 1 350 нафари донор сифатида қатнашди, улардан 665 литр қон захираси жамғарилди.



Июнь ойининг биринчи ярмида шаҳар Мактаб-гача ва мактаб таълими бошқармаси ва Соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда 499 та давлат ҳамда 548 та нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида тиббий куриқлар ташкил қилидик. Бунда минг нафардан ортиқ болалар ясси-оёқлик ва скапиоз касалликларига қарши куриқдан ўтди. Жараёнда 200 га яқин бемор болажонлар аниқланди.

Одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида, Тошкент шаҳри ҳудудида 200 дан ортиқ ҳуқуқий-тарғибот ақциялари ташкил этилди. Шунингдек, 11 та семинар-тренинг ўтказилиб, 2 та телеканал орқали давра суҳбат-лари ҳамда 14 та радио эшитиришлар эфирга узатилди.

Ушбу тадбирлар аҳоли ўртасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, одам савдосининг салбий оқибатлари ҳақида хабардор-ликни оширишга қаратилган бўлиб, профилактик ишлар самарадорлигини янада кучайтиришга хиз-мат қилади.

Қолаверса, Тошкент шаҳар Камбағалликни қисқарттириш ва бандлик бошқармаси билан ҳам-корликда “Бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси” ўтказилди. Ушбу ярмаркада Тошкент шаҳрида жойлашган 150 га яқин давлат ва нодавлат таш-килотлари 5 мингдан ортиқ бўш иш ўринлари би-лан иштирок этишди.

Ярмаркада минг нафарга яқин фуқаролари-миз қатнашиб, ишлаш иставини билдирган 435 нафари доимий ишга жойлаштирилди. Бундан ташқари, 180 нафар фуқарога “Ишга марҳамат” мономаркази ва касб-ҳунарга ўқитиш марказла-рига йўлланма берилди. Ярмаркада иштирок эт-ган 325 нафар фуқарога меҳнат қонунчилигиндан келиб чиқиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун имтиёзли кредитлар олиш тўғри-сида маслаҳат берилди.

Қолаверса, партия Тош-кент шаҳар кенгашининг “Ёшлар қаноти”, Ёшлар пар-ламенти аъзолари томони-дан 2025 йилнинг ўтган да-врида 200 дан ортиқ тадбир ва давра суҳбатлари ташкил қи-линди. Хусусан, бу борада пар-тиямиз томонидан амалга ошириб келинаётган “Ва-тан келажакка ёшлар қўлида”, “Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур”, “Депутат ва ёшлар” ҳамда “Бир ойда бир иш ўрни” каби лойиҳаларимиз-нинг ўрни бекиёс бўлди.

Жумладан, “Адолат” СДП Тошкент шаҳар кенгаши то-монидан ҳафтанинг пайшанба кунин партиямиздан сайланган 59 нафар депутатлар ишти-рокида маҳаллаларда “Депутат ва ёшлар” лойи-ҳаси доирасида учрашувлар ташкил этиб келин-моқда. Ушбу тадбирларда депутат ва ёшлар ўр-тасида тўғридан-тўғри очик мулоқотлар бўлиб, ёшларга оид давлат сиёсати мазмун-моҳиятини тушунтириш билан бирга, ёшларнинг фикр ва тақлифлари тингланиб, муаммолари биргаликда ҳал этилмоқда.

2025 йил бошидан буён партиямизнинг Тош-кент шаҳар кенгаши сабуига 12 мингдан ортиқ янги аъзолар қўшилиб, бугунги кунда аъзолари-миз сони 91 764 нафарга етди.

Шунингдек, “Adolat” ижтимоий-сиёсий газе-тасида Тошкент шаҳридан обуначилар сони 588 тани ташкил қилмоқда. Ҳозирда ушбу натижани янада яхшилаш чораларини кўряпмиз.

Умуман олганда, жорий йил бошидан буён Тош-кент шаҳар кенгаши томонидан адолатпарвар-лик, юрт тараққиёти ҳамда халқ фаровонлиги йўлида муайян ишлар амалга оширилди. Буни ўт-казилган тарғибот тадбирлари ҳамда учрашуе-ларни ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг ёри-тилганлиги мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Хусусан, биринчи ярим йиллик давомида Тош-кент шаҳар кенгаши фаолиятига оид 5 мингдан ортиқ материаллар ОАВ ва ижтимоий тар-моқларда ёритилди. Давлат ва нодавлат телека-налларида ташкил этилган 10 та давра суҳбати, 6 та телевизион баҳс-мунозара, 300 дан ортиқ информацон дастурлар, 500 дан ортиқ босма ва интернет нашридаги мақолалар, мингдан ортиқ ижтимоий тармоқлардаги чиқишлардан иборат.

Хулоса сифатида айтиш жоизки, юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлидаги ишларимиз изчил давом этмоқда. Биз бирга-лиқдаги саъй-ҳаракатларимиз билан мамлака-тимиз раванқи, адолатли жамият барпо этиш йўлида қатъий иш олиб борамиз.



СИНОВЛАР ВА ЮТУҚЛАРГА

бой йиллар

Бундан ўттиз тўрт йил муқаддам Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилди. Бу тарихимизда туб бурилиш ясаган, мамлакатимизнинг эркинлик, суверенитет ва ўзига хос ривожланиш йўлини белгилаб берган муҳим воқеалик бўлди. Шу боис 1 сентябрь – Мустақиллик куни нафақат байрам, балки халқимизнинг ўз кучига ишончи, қатъияти ва Ватанимиз тараққиёти йўлида бунёдкорлик ишларига тайёрлигининг рамзидир.

Нодира РАШИДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси

Айниқса, 2017 йилдан бошланган ислохотлар ва очилишнинг янги даври ижтимоий тараққиёт ва Янги Ўзбекистоннинг халқаро майдонда эътироф этилишида муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, 2017 йилдан бошлаб мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштиришдан тортиб, ижтимоий ҳимояни мустаҳкамлашга бўлган барча соҳаларни қамраб олган кенг қўламли ўзгаришлар рўй берди. Бу ислохотлар сиёсий ирода ва изчил ривожланиш стратегиясининг самараси десак, муболаға бўлмайди.

Энг аввало, валютага қўйилган чекловлар бекор қилиниб, эркин курсга ўтилди. Бу макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш билан бирга, халқаро инвестицияларга йўл очди. Кўп йиллар давомида илк бор Ўзбекистон халқаро майдонда ишончли ҳамкор сифатида қабул қилина бошлади.

Аҳолининг камбағал қатламларини қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. 2020 йилдан бошлаб маълумотлар электрон базалари (“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”) орқали манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш амалиёти татбиқ этилгани коррупциявий схемаларни йўқ қилиб, маблағлар тақсимида шаффофликни оширди. Шунингдек, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида 2030 йилга қадар камбағалликни кескин қисқартириш мақсади қўйилган.

Сўнгги йилларда ўнлаб замонавий поликлиника ва шифохоналар қурилди, тиббий хизмат кўрсатишнинг янги стандартлари жорий этилиб, юқори технологияли ёрдам аҳолига яқинлашди. Конституциямизда ҳам Ўзбекистон ижтимоий давлат экани мустаҳкамланган. Шунинг учун асосий эътибор шахар ва қишлоқларни янада ривожлантириш, янги тиббиёт, таълим, маданият ва спорт муассасаларини барпо этишга қаратилди.

Мақтаб таълими тизimini ислох

қилиш доирасида 11 йиллик таълим жорий этилди, ўқув дастурлари янгиланди, халқаро мактаб ва университетлар очилди. Ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва ёш педагогларни қўллаб-қувватлаш дастурлари йўлга қўйилди. Олий таълим муассасалари таълим стандартларини мустақил ишлаб чиқиш ҳуқуқига эга бўлди.

Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этилди, аёлларни тадбиркорлик ва ижтимоий ҳаётда қўллаб-қувватлаш бўйича давлат дастурлари қабул қилинди. Қишлоқ ҳудудларида аёллар бандлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Сўнгги йилларда рақамлаштириш ва инновацияларга ижтимоий ривожланишнинг муҳим драйвери сифатида катта эътибор қаратилмоқда. 2019 йилдан бошлаб АТ парклар компаниялар, стартаплар ва таълим ташаббуслари марказига айланди. 2025 йилга келиб мамлакатда 2,5 мингдан ортиқ АТ парк резидентлари фаолият юритмоқда, АТ хизматлар экспорти 500 миллион доллардан ошди, соҳадаги иш ўринлари сони йилига ўнлаб фоизга кўпаймоқда. Бизнес учун “Ягона дарча” тизими, давлат хизматларининг рақамли порталлари жорий этилгани фуқаролар ва давлат ўртасидаги ҳамкорликни енгилаштирди. Корхоналарни электрон рўйхатдан ўтказиш мuddати бир неча ҳафталардан бир кунга қисқартирилди. Қишлоқлардаги мактаблар ва шифохоналарни интернет ва замонавий хизматлар билан таъминлаш лойиҳалари натижасида энг олис ҳудудларда ҳам интернетдан фойдаланиш имконияти пайдо бўлди.

Ижтимоий ислохотларни барқарор иқтисодий ўсишсиз амалга ошириш имконсиз. 2017-2025 йилларда Ўзбекистонда ЯИМ йилига ўртача 5-6 фоизга ўсди – бу ўртача жаҳон кўрсаткичидан юқори. Йирик инфратузилма лойиҳаларини ишга туши-



риш, транспорт йўлаклари ва энергетика соҳасини ривожлантириш узоқ муддатли барқарорликка мустаҳкам пойдевор яратди.

“Яшил” энергетика соҳасида инвестициялар алоҳида аҳамиятга эга. 2024 йилда умумий қуввати 8 ГВт бўлган қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш бўйича шартномалар имзоланди. Шу билан бирга, умумий қиймати 1,3 млрд доллар бўлган чиқиндилардан энергия ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилмоқда.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида иқтисодиёт ҳажмини икки бараварга ошириш ва мамлакатни даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига киритиш каби улкан мақсадлар белгиланган. Ушбу мақсадларга эришишда, энг аввало, ижтимоий адолат, барқарорлик ва экологик хавфсизлик тамойилларига таяниш керак.

Мустақиллик туфайли таълим, фан, соғлиқни сақлаш ва маданият ривожига орқали инсон капитали асосий ресурсга айланди. Ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш дастурлари қабул қилинди, халқаро стажировкаларни ташкил этиш имкониятлари кенгайди. Қолаверса, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини манзилли ижтимоий ёрдам билан қамраб олиш, тиббий суғурта дастурларини ривожлантириш, ногиронлиги бўлган шахсларга ёрдам кўрсатиш тизimini такомиллашти-

риш бўйича ишлар изчил давом этмоқда.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда “Адолат” социал-демократик партияси алоҳида ўрин тутди. Партия қонун устуворлиги, давлатнинг ижтимоий масъулияти ва ҳар бир инсон учун тенг имкониятлар тамойилларини қатъий ҳимоя қилиб келмоқда. 2024 йилда янгиланган партия дастури “Тенг имкониятлар ва адолатли жамият сари!” деб номланди. Унинг асосий йўналишлари инсон, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини давлатнинг олий қадрияти сифатида эътироф этиш, миллатнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, таълим, соғлиқни сақлаш ва фан ходимларини ҳимоя қилиш, коррупцияга қарши кураш, шу жумладан, етказилган зарарни ўн баравар миқдорда қоплаш ташаббуси, маҳаллий Кенгашлар депутатлари томонидан ҳокимларга нисбатан ишончсизлик вотумини жорий этиш ва бошқа қўллаб муҳим ташаббусларни ўз ичига олади.

Мустақиллик йилларида “Адолат” СДП шунчаки сиёсий кучга эмас, балки фуқаролар манфаатларини ҳимоя қиладиган фаол кучга айланди. Партия депутатлари тиббий ва таълим хизматлари сифати, ҳокимиятнинг шаффофлиги, муҳтожларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ қўллаб масалаларни фаоллик билан илгари сурмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизнинг 34 йиллик Мустақиллик даври синовлар ва ютуқларга бой бўлди. Ўзбек халқи тарихимиз, маданиятимиз ва миллий ифтихоримизни сақлаган ҳолда очик, замонавий, ижтимоий йўналтирилган давлат барпо эта олишини исботлади. Бугун биз Янги Ўзбекистоннинг кейинги йиллардаги қиёфасини белгилайдиган янги босқич йўлида дадил одимляппиз. Бу жараёнда нафақат улкан лойиҳаларни амалга оширишимиз, балки кен қўламли ўзгаришларнинг амалий натижалари ҳар бир фуқаро ҳаётида акс этишини таъминлашимиз зарур.

ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДАГИ УЛКАН ҚАДАМЛАР



Баҳром АБДУҲАЛИМОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти,
тарих фанлари доктори, профессор

Ўттиз тўрт йил, бу – нафақат яқин тарихимиздаги улкан босқич, балки Янги Ўзбекистоннинг пойдевори мустаҳкамланган, иқтисодий ва сиёсий мустақиллик амалда таъминланган давридир.

Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Биз тарихнинг энг масъулиятли бурчаида турибмиз” ва бу ҳар биримиздан фаоллик, янгича фикрлаш ва ватанпарварликни талаб этади.

Бу йил Ўзбекистон давлат мустақиллиги эълон қилинганига ўттиз тўрт йил тўлади. “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Президент қарорида таъкидланганидек, мазкур сана – тарихий хотирани асраш, миллий ўзлиқни мустаҳкамлаш ва истиқлол гоъларини авлодлар қалбида мустақиллик мадҳиясига айлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Сўнгги ўттиз тўрт йил, айниқса, охириги саккиз йил, мамлакатимиз ҳаётида туб бурилишлар ва кенг қўламли ислохотлар даври бўлди. Янги Ўзбекистон концепцияси изчил татбиқ этилди: давлат бошқарувини модернизация қилиш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтириш, ташқи сиёсатда диверсификация ва кўини давлатлар билан дўстона ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича йирик қадамлар амалга оширилди.

ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР...

Мамлакатимизда иқтисодий соҳада бозор механизмларини эркинлаштириш, тадбиркорлик ва хусусий мўлкни ривожлантиришга қаратилган кенг ислохотлар амалга оширилди. Солиқ тизими соддалаштирилиб, инвестиция муҳитини яхшилаш мақсадида хорижий капитал учун қўлай шарт-шароитлар яратилди. Энергетика, транспорт ва инфратузилма соҳаларида йирик лойиҳалар амалга оширилиб, мамлакатнинг минтақавий логистика марказига айланишига замин яратилди.

1991 йилда Ўзбекистон ЯИМ ҳажми 11 миллиард АҚШ доллари бўлган, 2024 йилда бу кўрсаткич илк бор 110 миллиард доллардан ошиб, 10 бараварга ўсди. “Яшил иқтисодиёт” ва муқобил энергия манбалари бўйича дастурлар жадал ривожланди. 2023-2024 йилларда Навоий, Бухоро ва Жиззахда қуввати 2,5 ГВтдан ортиқ қўшма фотоэлектрик станциялар ишга туширилди. Нефть-газ секторида модернизация ишлари олиб борилиб, газ-кимё ва нефтни қайта ишлаш соҳаларида хорижий инвестициялар ҳажми 15 миллиард доллардан ошди.

ИНСОН ҚАДРИ...

Дарҳақиқат, янгиланган Конституцияда инсон қадр, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида мустаҳкамланди. 2017-2024 йилларда 2,2 миллионга янги иш ўрни яратилди, камбағаллик даражаси сезиларли даражада пасайди. Ижтимоий ёрдам тизимида “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар” орқали 3,5 миллиондан зиёд фуқарога моддий ва ҳуқуқий кўмак берилди. Мамлакатда 130 дан ортиқ миллият ва элат вакиллари ҳамда 16 та диний конфессия эркин фаолият юритмоқда. 2024 йилда Ўзбекистон халқаро Interfaith Harmony индексида юқори ўринни эгаллади.

Ижтимоий соҳада аҳолининг ҳаёт сифатини ошириш, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларини модернизация қилиш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Янги университетлар, касб-хунар марказлари ва замонавий клиникалар фаолияти йўлга қўйилди.

ТАЪЛИМ ВА ИЛМ-ФАН...

Сир эмаски, 1991 йилда мактабгача таълим қамрови 20 фоиз бўлса, 2017 йилда 27 фоизга, ҳозирда эса 77 фоизга етди. Бу натижалар 6 500 дан зиёд янги болча ва мактабгача таълим муассасаси қурилиши, шунингдек, хусусий секторнинг фаол иштироки туфайли амалга ошди.

Олий таълим қамрови 1991-2017 йилларда 7-9 фоиз даражасида бўлса, бугунга келиб, 42 фоизга етди. 2017 йилдан олий таълим муассасалари сони 77 та бўлган бўлса, бугун уларнинг сони 200 дан ошиб кетди, жумладан, 33 та хорижий университет филиаллари очилди.

Илм-фан соҳасига давлат бюджети улуши 2017 йилда ЯИМнинг 0,13 фоизидан 2024 йилда 0,8 фоизга кўтарилди. Фанлар академияси ва илмий институтлар модернизация қилиниб, янги илмий натижалар қўлга киритилмоқда.

2017-2024 йилларда “Ёшлар – Янги Ўзбекистон бунёдкорлари” шиори доирасида ёшларга қаратилган кенг қўламли дастурлар амалга оширилди. Бу даврда 1,5 миллион ёш ахборот технологияларига ўқитилди, 500 минг ёш ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. “Ёшлар дафтари” орқали имтиёзли кредитлар ва грантлар берилди, таълим, касб-хунар ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш имкониятлари кенгайтирилди. Бу чоралар ёшларни Янги Ўзбекистон тараққиётининг асосий ҳаракатланувчи кучига айлантиришга хизмат қилмоқда.

“Париж – 2024” Олимпиадаси ва Паралимпиадасида Ўзбекистон спортчилари илк бор кучли 15 та давлат қаторига кирди. Футбол бўйича U-17 ўсмирлар терма жамоаси ҳамда миллий терма жамоа жаҳон чемпионатида йўлланма олди, бу – мамлакат тарихида биринчи марта содир бўлди.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК...

Ўзбекистон сўнгги йилларда ташқи сиёсат соҳасида очилиқ, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва тинчликпарварлик тамойилларига асосланган йўлни изчил давом эттирмоқда. Мамлакат Марказий Осиёда интеграция жараёнларини фаол қўллаб-қувватлаб, кўпни давлатлар билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш йўлида сезиларли натижаларга эришди.

2017-2024 йилларда Ўзбекистоннинг Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистон билан товар айирбошлаш ҳажми 2,5 бараварга ошди. Ўзбекистон халқаро миқёсда ҳам фаол иштироки сифатида танилиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти каби нуфузли тузилмалар доирасида қатор ташаббусларини илгари сурмоқда. Жумладан, БМТ минбарида Марказий Осиёда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, Афғонистонда барқарорликни таъминлаш, “яшил иқтисодиёт”га ўтиш ва трансчегаравий хавфсизлик масалалари бўйича тактифлар билдирилди.

Мамлакатимизнинг халқаро майдондаги фаолияти нафақат иқтисодий манфаатларни, балки минтақада тинчлик, барқарорлик ва ўзаро ишонч муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган. Бу йўналишда олиб борилаётган “қўшнилар билан дўстлик ва ҳамкорлик” сиёсати кейинги йилларда Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари ўртасида транспорт, энергетика ва савдо алоқаларини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Мустақиллик тажрибаси шуни кўрсатадики, тараққиёт йўли, бу доимий меҳнат, сабр-тоқат ва миллий бирдамлик йўлидир. Шу йўлда халқимиз мардлик ва олий-жаноблик тимсоли бўлиб келмоқда.

- ✓ Агар муаммони ҳал қилиб бўлса, у ҳақда қайғуриш шарт эмас. Агар ҳал қилиб бўлмаса, қайғуришга на ҳолат?
- ✓ Новданинг суратини чизмоқчи бўлсанг, шамолнинг нафасини ҳис қил.
- ✓ Ҳаддан зиёд ҳақгўйлик тентаклик билан чегараланади.
- ✓ Кулги янграган уйни бахт тарк этмайди.

- ✓ Рақибдан бардошли бўлганга ғалаба насиб қилади.
- ✓ Барг чўкиб, тош сузадиган пайтлар ҳам бўлади.
- ✓ Ўн ёшда – доно, йигирмада – даҳо, ўттиздан кейин... оддий одам.
- ✓ Бировдан шубҳаланадиган бўлсанг, уни етти марта синаб кўр.



Оғриқли мавзу

БИЗ ҚАНДАЙ ОВҚАТЛАНЯПМИЗ?!

Бугун ижтимоий тармоқларга назар ташласак, кўп миқдордаги таом ёки егуликни ҳаш-паш дегунча паққос тушираётганларнинг ошиғи олчи. Сабаби, улар шунинг эвазига миллионлаб “просмотр”, юз минглаб изоҳ ва лайкларни қўлга киритиб, машҳурликка эришмоқда. Қизиги шундаки, нафақат хорижий, балки миллий тармоқ сегментимизда ҳам катта қизиқиш билан кузатилаётган ушбу “ноёб қобилият тарғиботи” кўплаб фойдаланувчига манзур бўлмоқда. Бироқ масаланинг яна бир муҳим жиҳати эътибордан четда қоляпти: ўртаҳол ҳаёт кечириётган одам учун камдан-кам насиб қиладиган бундай “гурманлик” экран орқали кўз-кўз қилинаётгани — кўпчиликда “яхши яшаш дегани шу бўлса керак” деган алдамчи тасаввурни шакллантириб, пировардида, ижтимоий тенгсизлик кайфиятини кучайтирмоқда. Албатта, замон ўзгарди. Илгарилари ҳурмат ва ризқни илм, меҳнат ёки санъат орқали топган бўлсак, бугун овқатланиш атрофидаги “рекреатив контент” ҳам айнан шу вазифани бажараётгани кўпчилигимизни ўйлантирмоқда.

“Эплаганлар қандини урсин, текинга овқатланиб, танилишнинг нимаси ёмон?” дейиш осон ва бу танганинг фақат бир томонига қараб ҳукм чиқариш билан баробар. Аммо жиддий ўйлаб кўрилса, одатда ҳазиломуз ёки шунчаки “замонавий” кўринган бундай ҳолатлар кенг қамровли ижтимоий масалалар устида бош қотиришимиз кераклигига ишора қилади. Дейлик, нега овқатланиш жисмоний эҳтиёждан кўра шон-шараф воситасига айлана бошлади? Бунда меъёр ахлоқий қадриятми ёки аҳамиятсиз тушунча? Умуман, соғлом ҳаёт кечиришда кундалик таомнома қай даражада муҳим? Қуйида ана шу саволларга жавоб излаймиз.

Илҳомжон АБДУСАЛОМОВ, “Адолат” СДП Марказий аппарати етакчи мутахассиси

ТРЕНДГА АЙЛАНАЁТГАН ОЧҚАТЛИК

“Ёлғиз овқатланиш” феномени сифатида илк бор Жанубий Кореяда пайдо бўлган мукбанг дастлаб одамлар учун ғалати кўринган: нега кимдир овқат ейдик, мен уни томоша қилишим керак? Аммо воқелик шундан иборат эдики, XXI аср инсонлари учун овқатланиш оддий эҳтиёждан ташқари яна психологик ҳамда ижтимоий босим ҳам юклай бошлади. Жанубий Корея мисолида айтадиган бўлсак, мамлакат аҳолисининг катта қисми йўл-йўлак, иш жойида ёки уйда ёлғиз овқатланади. Социологик тадқиқотлар эса ёлғиз овқатланиш инсонда зерикчи, бекорчилик ва бегоналашиш ҳисларини кучайтиришни исботлаган. Демак, мукбангни дастлаб “виртуал ҳамроҳлик” ҳиссини уйғотувчи субманият сифатида қабул қилиш мумкин. Унинг кўпчиликлари “жозибадор”

кўринган жиҳати — экран ортидаги инсон овқатланар экан, томошабин ҳам ўзига хос равишда унинг даврасида қатнашгандек, ёлғизликдан халос бўлгандек ҳис қилади. Бу, шубҳасиз, мукбангнинг психологик эҳтиёжларга хизмат қилган илк шакли эди.

Бироқ воқелик кўп ўтмай мутлақо бошқа йўналишга бурилди. Мукбанг тез орада оммавий ҳаракатнинг ажралмас қисмига айланди: блогерлар учун — катта даромад ва омма тан олиши, инфлюенсерликка кенг йўл, ишлаб чиқарувчилар ва реклама агентликлари учун эса махсуслотни энг самарали тарзда намойиш қилиш имконияти. Ўрни “овқатланиш” атрофидаги оддий таассурот бозор қонуниятларига боғланиб, миллиардлаб долларлик саноатнинг бир бўлагига айланди. Ҳа, озгина таваккал қилиб, кўп миқдордаги шоҳона таомни тезкор еб тугатиш манзараси — омма учун қизиқ. Айни сабабдан, мукбанг

аудиторияси жуда кенг: ёшлар кўпроқ қизиқиш ва вақт ўтказиш мақсадида, катталар эса психологик таскин ёки таом тавсиялари учун томоша қилади. Айрим тадқиқотлар шуни кўрсатадики, одамлар мукбангни кўрар экан, уларнинг онгига лаззатланиш гормонлари ҳам ишга тушади — яъни ўзи овқат емаган ҳолда ҳам маълум маънода баҳраманд бўлаётгандек ҳиссиёт. Бироқ бунинг салбий томонлари ҳам йўқ эмас: мукбанг видеоларини узлуксиз кўрувчиларнинг катта қисмида овқатланиш меъёри бузилади, ортиқча овқатланишга интилиш кучайиб, семирив кетиш хавфи ортади.

Шу боис, нутрициологлар мазкур феномени “очқўзликни тарғиб қилиш” деб баҳолашади. Савол туғилади: нега мукбанг бизда ҳали бошқа хорижий давлатларда бўлгани каби оммалашиб кетмади? Бунинг жавобини халқимиз дунёқарashi, урф-одатлари ва қадриятларидан излашга тўри келади. Негаки, ўзбек оиласида овқатланиш оддий физиологик эҳтиёж эмас, балки маънавий жараён, катта дастурхон атрофидаги самимий суҳбат, қадрият ва бирдамлик рамзидир. Бизда “Олдига қўйганни емоқ — ҳайвоннинг иши, оғзига келганни демоқ — нодоннинг...” деган ҳикмат ҳануз одамлар онгидан ўчмаган. Шу тўғрисида ушбу тезкор ва палапартиш овқатланиш тури қабул қилиниши табиий равишда сушт кечмоқда. Лекин юқоридаги ҳикматга суяниб тинчланиш ҳам вақтинчалик овунчдек...

“ЎЗИНГДАН ҚЎЙМАСИН, ХАЛҚИМ, ЎЗИНГДАН-А!”

Келинг, диққатни бироқ ўзгартирсак. Ўзбекистон Ҳақрамини, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг японлар ва ўзбекларнинг турмуш тарзи ҳамда овқатланиш анъаналари ўзаро таққосланган “Нега япон юз йил яшар?” номли шеъри сизга ҳам танишми? Айни ижод намунасида японнинг юз йил яшаши тўғрисида овқатланиш, соғлом турмуш тарзи ва маънавий интизом меъаси эканлиги урғу берилган. Ҳа-да, у биз каби сахар туриб ош емайди, мотамни ортиқча исроф ва шон-шараф манбаига айлантирмайди. Ўрни овқат япон учун жисмоний зарурият, инсоний эҳтиёж

даражасида қолади. Бизда эса таом кўпинча маданий тадбирларнинг асосий ўлчови, ортиқча исроф ва кўз-кўз қилиш воситасига айланган. Агар тўғри ёки маросимингизда одамлар дастурхонингиз камчилигини айтиб кетса борми, бундан ортиқ “шармандалик” йўқ. Ҳа, японлар биздан юз қарра тўқ, аммо уларда “ўзбекча” йўсинда сохта обрў учун маблаг сочиш одати йўқ.

Шоир япон билан ўзбекини қиёс қилар экан, “биз”ни ортиқча исрофга берилиш, вақтинчалик шон-шараф ортда қолдирган, бироқ ҳаёт мазмунини асраб қололмаётган халқ сифатида талқин қилади. Япон учун эса тўй-ҳаржда исроф, мотамда кўзбўямачилик — мутлақо ёт ҳолат. У бунди кўрама олмайди. Демак, Ўзбекистон халқ шоири “яхши яшаш” мезонини овқат, тўй ёки исрофда эмас, балки тартиб, меъёр, маънавий поклик ва инсоний қадриятларда кўради. Нега бу шеърга кўп тўхталдим: чунки, овқатланиш маданияти кўп ҳолларда соғлом турмуш тарзи эмас, балки обрў-этибор ва анъана билан боғлиқ бўлгани биз учун юрак-қон томир касалликлари, семирив, диабет каби хасталиклар кўпайишига замин яратиб, “юрак чангалли” оғзига келганни демоқ — нодоннинг...” деган ҳикмат ҳануз одамлар онгидан ўчмаган. Шу тўғрисида ушбу тезкор ва палапартиш овқатланиш тури қабул қилиниши табиий равишда сушт кечмоқда. Лекин юқоридаги ҳикматга суяниб тинчланиш ҳам вақтинчалик овунчдек. Чунки глобаллашув ва оммавий маданият тўлқини орқали кириб келаётган бу каби янги форматлар охир-оқибат овқатланиш маданияти ва қадриятларимизнинг чегараларини бузади.

Халқаро илмий таҳлилларга кўра, мамлакатимиз аҳолиси соғлом турмуш тарзига риоя қилиш ва тўғри овқатланиш бўйича дунё давлатлари рўйхатида анча қўйи ўринда туради. Хусусан, миллий парҳез сифати “GLOBAL DIET QUALITY PROJECT”да сурункали КАСАЛЛИКЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ УЧУН ЗАРУР бўлган кўрсаткичларга аҳолининг бор-йўғи 4 фоизи амал қилиши айтилган. Ўрни шу 4 фоизгина аҳоли кунлик таомномада МЕЪЁРИЙ ОВҚАТЛАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИГА риоя қилади, холос. Бундан ташқари, “LANCET” журналида чоп этилган “GLOBAL BURDEN OF DISEASE” тадқиқоти юртимизда ҳар 100 000 кишига 892 та ўлим ҳолати нотўғри овқатланиш натижа-сида пайдо бўладиган хавфли КАСАЛЛИКЛАР САБАБ СОДИР бўлишини кўрсатган. Жаҳон соғлиқни сақлаш тақдироти маълумотларига кўра, бизда сўнгги йилларда САРАТОН, ЮРАК-ҚОН ТОМИР, ДИАБЕТ КАБИ юқтирилмайдиган КАСАЛЛИКЛАР БАРВАҚТ ўлимларнинг асосий САБАБИ бўлиб қолмоқда.

Шунингдек, мамлакатимиздаги 18 ёшдан 64 ёшгача бўлган фуқароларнинг ярми ортиқча вазнга эга, уларнинг 20 фоизи эса семизликдан азият

чекмоқда. Бу Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси томонидан Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорликда ўтказилган тадқиқот натижалари. Унда қўшимча қилини-шича, ҳар кун аҳолининг 67 фоизи етарли миқдорда (400 грамм) сабза-вот ва мевалар истеъмол қилса-да, 46 фоизда холестерин даражаси юқо-рилиги аниқланган. Қолаверса, аҳо-лининг ўртача кунлик туз истеъмоли 14,9 граммни ташкил қилмоқда, бу эса халқаро тавсиявий меъёрдан уч ба-равар кўндр. Қўмита жисмоний фа-оллик ва тўғри овқатланиш қоидала-рига риоя этмаслик, витамин ва ми-нерал моддаларни етарли истеъмол қилмаслик, туз, шакар ва ёғли маҳсу-лотлар ҳамда ширинликларни ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилиш — ёшлар орасида жисмоний ва ақлий ривож-ланишда орқада қолиш, катталарда юрак-қон томир, эндокрин тизим ка-салликлари ва ўсма (иши) каби эрта ўлимга олиб келувчи касалликларни ривожлантиришидан огоҳлантирган.

МИЛЛИЙ ТАОМНОМА АЙРИМ ҲОЛАТЛАРДА ЗАМОНАВИЙ НУТРИЦИОЛОГИЯ ТАЛАБЛАРИГА ЗИД

– Ўзбек дастурхони азал-азалдан ўзига хослиги ва турфа хиллиги билан ажраллиб турган, — дейди олий тоифали нутрициолог Фотима Абдиева. — Айниқса, уни хамир ва ёғли таомлар билан ташкил топиб, таомларимизнинг тасаввур этиш мушкул. Аммо замонавий нутрициология нуқтаи назаридан таҳлил қилсак, айрим жиҳатларда анъанавий таомномамиз соғлом овқатланиш талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Дейлик, уларнинг биринчиси — ортиқча калория ва ёғ. Тўғри, ёғли таомлар кўпроқ энергия манбаи ва ўзига хосдир. Бироқ улардаги ортиқча ёғ (айниқса, ҳайвон ёғи) ва қовуриш жараёнида пайдо бўлган транс-ёғлар организмда холестерин миқдорини кескин кўпайтириб юбаради. Бу эса юрак-қон томир касалликлари, семирив ва қандли диабет хавфли оштиради. Иккинчи муаммо — ҳаддан ташқари аччиқ ва шўр таомлар. Натижада артериал гипертензия, инсульт ва инфаркт ҳолатлари ҳам кўпаймоқда.

Нутрициолог биз билан суҳбатда бугунги дастурхонимизда сабзавот ва яшилликлар борлиги, аммо улар кўпроқ безак сифатида фойдаланили-шини танқид қилиб, мева-сабзавотлар ҳиссаси камлигига урғу берди. Билдирилишича, ҳар бир инсон кунига камида 400 грам сабзавот ва мева истеъмол қилиши лозим. Бизда эса кўпинча асосий эътибор хамирли ва гўшт овқатларга қаратилган. Турли-туман ширинликлар, ҳаддан ташқари ширин кондитер маҳсулотлари ва нон истеъмолининг меъёрдан ортиқли-гини айтмасча ҳам бўлаверарди. Илмий жиҳатдан, инсон мияси тўйиш ҳақида сигнални овқат еганидан тахминан 15-20 дақиқа ўтгач юборишни бошлайди. Лекин замонавий ҳаёт шош-ма-шоарликка тўла. Инсон овқатни ҳис қилмасдан, таомнинг мазасини билиб улгурмасдан, нафақат тўйиб, балки ортиқча ейишга ўрганиб қолди. Бундай одатлар эса организмни доимий стресс ҳолатида сақлаб, уни етишмайдиган эмас, ортиқча озуқага қарши курашишга мажбур қилмоқда. Ҳўш, соғлом овқатланишга босқич-

ма-босқич ўтиш учун синовдан ўтган вариантлар қандай? Ўзбеклар учун меъёрий таомнома нималардан таркиб топади? Мутахассис бу борада ҳам ўз тавсияларини берди. Унга кўра, ҳафтасига 2–3 марта мол ва қўй гўшти, қолган кунлари эса балиқ ва парранда гўшти ишлатилгани яхши. Овқатлар таркибида ҳайвон ёғини чеклаб, ўсим-лик ёғлари билан алмаштириш зарур. Шунингдек, палов ва бошқа миллий таомларни “парҳезбон” усулда тайёрлаш мақсадга мувофиқ. Масалан, паловни кўпроқ сабзавот билан тайёрлаш, гўшт миқдорини қисқартириш, ортиқча ёғ қўшмаслик каби.

Бундан ташқари, туз миқдорини изчиллик билан камайтириб бориш, кунлик таомномада янги сабзавот ва мева улушини ошириш, шакар истеъ-молини камайтириб, мевалар билан алмаштириш, газли ва шакарли ичим-ликлар ўрнига илқ сув, доривор чой истеъмол қилиш лозим. Биз таҳлил жараёнида мутахассислар фикри би-лан бир қаторда жамоатчилик муноса-батини ҳам ўрганишга ҳаракат қилдик. Шу мақсадда “Телеграм” ижтимоий тармоғида “Халқимизнинг овқатланиш маданияти ҳақида фикрингиз қандай?” мавзусида сўровнома ўтказилди. Унда 60 нафар фойдаланувчи қатнашди. Биринчи савол кундалик т у р м у ш д а асосан қайси турдаги таомлар истеъмол қилиниши ҳақида бўлди. Натижа-ларга кўра, иштирокчиларнинг 40 фо-изи хамирли ва гўштли таомларни аф-зал қўради. 25 фоиз респондент нон ва ширинлик маҳсулотларини кўпроқ истеъмол қилишини билдирган. Саб-завот ва мевалар улуши 20 фоизни ташкил этди. Фастфудни танлаганлар эса 15 фоиз. Демак, аҳоли таомномада асосан гўштли ва хамирли таомлар устувор бўлиши керак, деб билади.

Иккинчи савол кундалик овқатла-ниш меъёрига муносабат ҳақида эди. Фақат 28 фоиз иштирокчи “меъёрга амал қиламан” деб жавоб берди. 42 фоиз овқатланишни “кайфиятга бог-лик” деб баҳолаган бўлса, 30 фоиз респондент меъёрдан ортиқча истеъмол қилишини тан олди. Бу ҳолат кўп-чиликда тартибга онгли муносабат етарли шаклланимаганини кўрсатади.

Учинчи савол “мукбанг” видеолари ҳақида бўлди. Иштирокчиларнинг қарийб ярми — 47 фоизи бу контентга қизиқмаслигини билдирди. 35 фоиз фойдаланувчи баъзан кўриб қоли-шини айтган, 18 фоизи эса мунтазам томоша қилишини тан олди. Шу билан мукбанг контенти маълум аудиторияга эга бўлса-да, кенг оммада кўллаб-қув-ватланмаётгани маълум бўлди. Соғлом овқатланиш ҳақидаги ахборот манбалари борасидаги саволда ишти-рокчиларнинг 55 фоизи интернет ва ижтимоий тармоқларни асосий манба сифатида кўрсатди. 15 фоизи теле-видение ва оммавий ахборот восита-ларига таянса, 10 фоизи мутахассис-лардан маслаҳат олишини билдирган. Қолган 20 фоизи эса бу мавзуда уму-ман ахборот изламаслигини тан олди.

Умумий натижалар шуни кўрсата-дики, овқатланиш маданиятида асосий муаммо — меъёр ва тартибга риоя эт-маслигимизда. Иккинчи ўринда ёғли ва оғир таомларга мойиллик ҳамда саб-завот ва мевага нисбатан етарлича эътибор берилмаслиги турибди. Бу эса нутрициологлар таъкидлаган ор-тиқча калория, туз ва ёғ муаммолари билан уйғунликда жамоатчилик фикри орқали яна бир бор тасдиқланди. Агар мақола бошидаги субманиятга яна қайтсак, мавжуд вазият мукбангсиз ҳам жиддий эканини пайқаш қийин эмас.

Бу борада ёш авлодга фойдали тавсия ва қўникмалар бериш, соғлом овқатланишни кенг тарғиб қилиш, боғча ва мактабларда бирламчи нутрициология сабоқларини жорий этиш зарур. Оммавий ахборот восита-лари ва ижтимоий тармоқларда тўғри овқатланиш маданиятини ёйиш, шифокорлар ва нутрициологларнинг фикрларини кенг жамоатчиликка ет-казиш муҳим. Сабаби, нотўғри овқатланиш — бу фақат семизлик эмас. Бу — иммунитет заифлашуви, ҳаёт сифати пасайиши, умр қисқариши, руҳий ҳолат издан чиқиши, болаларда эса ривожланишнинг секинлашиши, дегани. Энг ёмони — очқўзлик маданият даражасига чиқарилаётгани. Шундай экан, мазкур масала фақат таом танлаш эмас, балки ижтимоий ҳаёт, маънавият ва соғлиқни муҳофаза қилишнинг узвий қисми эканини унутмаслик керак. Бунда меъёрга амал қилиш ва саломатлиқни биринчи ўринга қўйиш фаровон ҳаётнинг энг муҳим кафолатларидан биридир. Зо-тан, соғлом таомлар нафақат тана, балки тафаккурни ҳам озикланти-ради. Биз бунга жиддий ёндашмасак, яқин келажакда касалликлар сони кўпайгандан кўпаяверади...

расми бор экан. Доктор ўша масхарабозга ишора қилиб: — Анали масхарабозни кўрпясизми? Ҳар кун оқшомда ажойиб то-мошалар кўрсатади. Сиз ўша томошага бординг, маза қилиб қулиб, дам оласиз. Дилингиз яйрайди. Касалликдан ҳам асар қолмайди. Бемор бошини эгибди ва чуқур бир ўх тортгандан кейин дебди: — Доктор, ўша масхарабоз, менман!

АЗИЗ НЕСИН

ADOLAT

Муассис: “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислон ХАМРОЕВ

Тахрир хайъати:

Робохон МАХМУДОВА
Баҳром АБДУХАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА

Қодир ЖўРАЕВ
Зухра ИБРАГИМОВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ

Котибият — 71 288-42-14 (144); 95 096-07-75
Қабулхона — 71 288-42-12 (141)

Газета 1995 йил 22 февралдан
чика бошлаган

Навбатчи муҳаррир — Камол Матёкубов
Масъул котиб — Абдуғани Содиқов



Тахририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани “Шарк тонги” кўчаси, 23-уй.

НАШР
КЎРСАТКИЧИ: 100

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10-3656 рақами
билан 2016 йил 04 апрелда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми — 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 801

Адади — 2 275
Босишга топшириш вақти — 21.00
Босишга топширилди — 21.10
Баҳоси келишилган нархда

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

“Шарк” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.